



ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 51 (960) • 2013-yil, 20-dekabr, juma

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

Э.Т.Жўраевни Сурхондарё вилояти ҳоқими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Эшдавлат Турсунович Жўраев Сурхондарё вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2013 йил 19 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

Н.А.Чориевни Сурхондарё вилояти ҳоқими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Нормўмин Амонович Чориев Сурхондарё вилояти ҳоқими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2013 йил 19 декабрь

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

2013 йил 19 декабрь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Бугунги кунда, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Сурхондарё вилоятида ҳам эътиборга лойиқ катта-катта ўзгаришлар юз бермоқда, деб таъкидлади Ислам Каримов. Кейинги йилларда барпо этилган замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, хизмат кўрсатиш инфратузилмалари, ижтимоий соҳа объектларини — янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, мусика ва санъат мактаблари, соғлиқни сақлаш ва спорт масканларини кўрганда, бу кўҳна ва бетакрор замин янада гўзал ва обод бўлиб бораётганига ишонч ҳосил қиламиз. Вилоятда 2013 йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот 9,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 фоизга, қурилиш ишлари қарийб 11 фоизга, пуллик хизматлар 18,5 фоизга ўсди.

Вилоятда иқтисодийнинг турли соҳа ва тармоқларини янгилаш, модернизация қилиш мақсадида 2005-2013 йиллар мобайнида барча манбалар ҳисобидан 2 миллиард 877 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилди, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз вилоятда эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, йўл кўйилган айрим камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Н.Чориев Сурхондарё вилояти ҳоқими лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бошқарма бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган Эшдавлат Жўраев Сурхондарё вилояти ҳоқими этиб тасдиқланди.

Сессияда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Орзукул Соатов, Термиз давлат университети ўқитувчилари Файрат Раулов ва Гулнора Алиматова, Шеробод туманидаги «Абраев Эшбой» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Тўрамурод Абраев ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб берилганини, воҳа аҳли билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов шу куни «Хайратон» чегара мажмуасига ташриф буюриб, офицер ва аскарлар билан мулоқотда бўлди.

А.САМАДОВ, Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари



2014 йил — Соғлом бола йили

Баркамол авлод — юрт келажаги

Самарқанд вилояти «Баркамол авлод» болалар марказида фаолият юритаётган қирққа яқин тўтарак минглан зиёд ўғил-қизнинг илмий, ижодий қобилиятини ривожлантириш, бошланғич касб-ҳунар кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Марказдаги зардўзлик, кулолчилик, тўқиш, бичиш-тикиш, рассомчилик, миллий рақс, доира, вокал, моҳир кўллар, авиамодель, ихтирочилик ва конструкторлик, компьютер дастурчилиги каби барча тўтараклар ўқувчи-ёшлар билан гавжум. Бу ерда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида хорижий тилларни ўргатиш кенг йўлга қўйилган.

Суратда: инглиз тили тўғрисида раҳбари К.Саркисова болалар билан машғулотда.

А.ИСРОИЛОВ (ЎЗА)

Одимларимиз фақат юқорига

«Ёш адолатчилар»

Ҳозир Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 7100 дан ортиқ аъзоси бўлиб, уларнинг 3000 нафардан ортигини ёшлар ташкил этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳам касбий, ҳам ижодий салоҳиятини на-

моён этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш партияимиз дастурий мақсадларида ўз ифодасини топган.

Яқунлаётган йилда вилоят партия кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни инноваторликка жалб этиш, ўз мақсадлари сари дадил одимлашларига кўмаклашиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

5 >



Аскарлар билан учрашув

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида Шимоли-ғарбий ҳарбий округи хизматчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги олдидан уюштирилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси ёзувчилар уюмаси раиси Кенисбай Каримов ҳамда округ ҳарбий хизматчилари Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда профессионал миллий армиямизни шакллантириш ва унинг куч-қудратини ошириш

борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа билан таъминланган Куролли Кучларимизда ҳарбий хизматчилар ва мударри ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар ҳар томонлама кўлаб-қувватланиб, улар учун кўлаб имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда.

— Ҳарбий хизмат ҳар бир йигит учун шарафли бурча айланмоқда, — дейди Ажиниёз номи-

даги Нукус давлат педагогика институтини талабаси Уктам Рамонов. — Мен ҳам шундай шарафга муяссар бўлдим. 2010-2011 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб қайтдим. Армия — том маънода чиниқш мактаби. Дунёқарашингизни кенгайтириб, масъулиятни чуқур ҳис қилишга ўргатар экан. Ҳарбий қисм кўмондонлиги тавсияси асосида имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим. Тадбир Шимоли-ғарбий ҳарбий округи ансамбли ҳамда эстрада кўшиқчилари ижросидаги концерт дастури билан якунланди.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири

Муносабат

Эркин ахборот майдони

демократик қадриятлар ҳимоячиси сифатида

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилди. Бундай ғамхўрлик ва эътибор соҳа ходимларидан жамият олдидagi ўз маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, касбга янада масъулият ва фидойилик билан ёндашувни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишни тақозо этади.

3 >

Инсонпарварликнинг олий намунаси

Фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати ҳимоялаш, адашганларга тўғри йўл кўрсатиш, ҳаётда яна ўз ўринларини топиб олишлари учун имконият яратиш бериш, кечиримлик, бағрикенглик миллатимизга хос азалий қадриятлардандир. Бунга кўп асрлик давлатчилигимиз тарихидан истаганча мисоллар келтиришимиз мумкин.

3 >

«ОБУНА — 2014»

Қадри юртдошлар! Азиз муштарийлар! «Adolat» газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчиси.

2014 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна бўлинг! «Adolat»нинг нашр индекси — 100

«Adolat» ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

Вазиятга назар

Бадий гимнастика — саломатлик ва гўзаллик асоси

Болалар спорти

Спорт ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг қатъиятли, иродаси мустаҳкам, ғалаба ва мақсад сари интилувчан бўлиб улғайишида муҳим ўрин тутади. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини, хусусан, унинг нафис турларини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида бадий гимнастика қизлар орасида тобора оммалашиб бормоқда.


Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган замонавий спорт мажмуаларида қизларнинг мазкур спорт тури билан мунтазам шугулланиши учун барча шароит яратилган. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ушбу йўналишда изчил ишларни амалга оширмоқда. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ўз самараларини бермоқда.

Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси катта мураббийси Талия АБДУРАМАНОВА Ўза муҳбирини ниҳоятга етказган йилда амалга оширилган ишлар ва келажақдаги режалар ҳақида сўзлаб берди: — Бугунги кунда мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам халқаро талабларга мос ва барча зарур спорт анжомлари билан жиҳозланган замонавий спорт иншоотлари барпо этилган, — дейди Т.Абдураманова. — Ҳар бир мактабда, жумладан, қишлоқ мактабларида ҳам тури спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Масалан, жорий йилда Самарқанддаги гимнастика мактаби реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Айни вақтда бу ерда 250 нафардан зиёд ўғил-қиз бадий ва спорт гимнастикаси билан шугулланаётган. Ўзбекистон гимнастика федерацияси томонидан ушбу мактабга икки дон, шунингдек, гимнастика бўйича Андижон, Бухоро, Жиззах ва Навоий худудий базасига, гимнастика, гиламлари тақдим этилди.

2005 йили Ўзбекистон гимнастик

тика федерациясининг ташкил этилиши ушбу спорт турини изчил ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Айни пайтда мамлакатимизнинг қарийб барча шаҳар ва туманларида федерация бўлимлари, кўплаб бадий гимнастика марказлари ишлаб турибди. Масалан, Навоий вилоятидаги мактабга таълим муассасалари, спорт мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳузурда ушбу спорт тури бўйича юзлаб секциялар ташкил этилган. Уларда 200 нафарга яқин мураббий ва йўриқчилар минглаб қизларга маҳорат сирларини ўргатмоқда. Бухоро вилоятида ҳам гимнастикани оммалаштириш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Вилоят туманларида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмагида вақтинчалик бўш турган маъмурий бинолар таъмирланиб, уларда бадий гимнастика марказлари ташкил этилган. Бундан ташқари, ўндан зиёд спорт иншоотида бадий гимнастика заллари ишлаб турибди.

Болалар спорти объектларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурга мувофиқ вилоятлардаги барча гимнастика бўйича мактаблари замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган. Ушлаб энг яхши спортчиларимиз нафақат бадий гимнастика, балки трамполин, спорт гимнастикаси, акробатика, гимнастрада бўйича халқаро мусобақалар ва турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.



М.АМИН (Ўза)

Усмирлар ва миллий терма жамоаларимиз таркибига вилоятлардан истиқболли ҳамда иқтидорли спортчилар қўшилмоқда. Бугун бадий гимнастика бўйича миллий терма жамоа таркибининг катта қисмини худудий, жумладан, қишлоқ гимнастика мактабларидан танлаб олинган қизлар ташкил этади. Яна шунинг таъкидлаш жоизки, спортнинг гимнастика турлари бўйича жамоаларимиз Жаҳон кубоги, Гран-при туркумидаги барча халқаро

мусобақалар, Осиё ва жаҳон чемпионатларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси бадий гимнастика бўйича 2013 йилги Осиё чемпионатида илк бор жамоа беллашувида олтин медални кўлга киритди. Терма жамоа вакиллари Жамила Раҳматова, Майя Филиппова, Мафтуна Шамсиева ва Валерия Давидова ҳамда ҳисобида энг яхши натижаларни кўрсатди.

Қизларимиз усмирлар ўртаси-

да ўтказилган «Happy Caravan» халқаро турнирида ҳам энг яхши натижага эришди. Мамлакатимиз жамоаси кўпураш баҳсларида иккинчи, финал мусобақаларида эса барча турдаги медалларга сазовор бўлди. Гуруҳ машқларида Бадий гимнастика бўйича болалар ва усмирлар республика ихтисослашган олимпия захиралари спорт мактаби жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Жамила Раҳматова Гран-при туркумига кирувчи бадий гимнастика бўйича «Berlin Masters» анъанавий халқаро турнирида тасмада машқ бажаришда кумуш медал соғинди бўлди. Яқинда Жасмин Юсупова Москвада ўтказилган мусобақаларда учинчи, Зулфия Йўлдошева ва Фарангиз Шодиева Пермь шаҳрида бўлиб ўтган беллашувида олтин ҳамда бронза медалларини кўлга киритди. Энди улар Малайзияда ўтадиган Осиё чемпионатида иштирок этиб, усмирлар ўртасида II-олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун беллашади.

Шу ўринда кўплаб халқаро мусобақалар ғолиблари Равиля Фархутдинова, Анара Давлатова, Нилуфар Шомуродова, Комила Саидхонова, Анастасия Сердюкова, XVI ёзги Осиё ўйинларининг жамоа беллашувида кумуш медалга сазовор бўлган Замира Санакүлова каби спортчи қизларимизнинг номини ҳам алоҳида қайд этиш зарур.

Булларнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор, мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан шугулланиши учун яратилаётган кенг шароитлар самарасидир.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси спортчи қизларини мусобақаларга тайёрлаш, юқори малакали мураббийларни жалб этиш, хорижий мутахассислар билан тажриба алмашиш бўйича изчил ишларни амалга оширмоқда. Мураббийларнинг юксак маҳорати ва масъулиятни чуқур ҳис этиши ёшларнинг юқори натижаларга эришиши ҳамда маҳоратли спортчиларни тарбиялашга ёрдам бераётди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва бошқа олий ўқув юр்தларининг жисмоний тарбия факультетларида мураббийлар малакасини оширишга доир самарали ишлар олиб боришмоқда. Бундан ташқари, бу борада Халқаро олимпия кўмитаси ва Халқаро гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда пойтахтимиз ва вилоят марказларида маҳоратли спортчилар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида халқаро ҳамда маҳаллий мутахассисларни жалб этган ҳолда амалий семинарлар ўтказилмоқда. Мутахассисларимиз халқаро конференцияларда ҳам фаол иштирок этиб, ҳакамлар, мураббийлар ва спортчилар ўртасида илғор тажрибаларни жорий этмоқда. Яқинда терма жамоамизнинг етакчи мураббийлари Киевда ташкил этилган халқаро ҳакамлар семинарида иштирок этиб қайтди.

Айни пайтда Осиё ўйинлари ва жаҳон чемпионатида, усмирлар ўртасида Хитойда бўлиб ўтадиган иккинчи Олимпия ўйинларида қатнашиш учун лицензия олиш ҳуқуқини берадиган Осиё чемпионатида тайёргарлик кўриш асосий мақсадларимиздан биридир. Шунингдек, 2014 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон гимнастика федерацияси кубоги учун саралаш мусобақалари ҳам ўтказилади. Бундан ташқари, ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионатлари, Ўзбекистон кубоги, «Олимпия умидлари» болалар турнири каби олти республика мусобақаси, иккита халқаро турнир ўтказиш кўзда тутилган.

Жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибор самарасида мамлакатимизда иродаси кучли, қатъиятли ёшлар вояга етмоқда. Улар энг нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Бўлажақ Осиё ўйинларида ҳам спортчи қизларимиз, шубҳасиз, ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини намойиш этади.

Ирина ДОЛЕНКО, Ўза муҳбири

Янги мажмуа қурилиши бошланди

Бухоро вилояти Ғиждувон буюм бозорига қарашли янги савдо комплекси Президентимизнинг «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори таълабларига асосан қурилмоқда.

Ушбу қарор талаблари асосида Ғиждувон тумани «Хўжай Жаҳон» буюм бозорига қарашли янгидан қурилиши режалаштирилган савдо комплекси учун туман марказидаги Юсуф Ҳамадоний кўчасидан 10,5 гектар ер майдон ажратилган бўлиб, савдо комплексининг барча лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Қурилиш ишларини олиб бориш бўйича тендер савдолари ўтказилиб, унда бу борада катта тажриба орттирган «Намангангроқурилишсервис» МЧЖ ғолиб, деб топилди.

— Ҳозирда объектда қурилиш ишлар жадал бошлаб юборилди, — дейди «Намангангроқурилишсервис» МЧЖ директори Фарҳод Сироҷов. — Савдо комплекси замонавий, шарқона услубда барпо этилиб, келгуси йил декабрь ойида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Савдо комплекси тасарруфидан 1000 та турғун савдо дўкони мавжуд бўлиб, улардан ташқари 2 қаватли маъмурий, милиция, солиқ таянч пунктлари ва бошқа ёрдамчи бинолар қурилиши кўзда тутилган.

Илҳом ОХУНЖОНОВ

ЎЗУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

UZCARD EMV (он-лайн) тизимида фойдаланишга мўлжалланган пластик карточкаларни таклиф этади.

Ушбу пластик карточкалар ёрдамида «SMS-TO'LOV» ва «UZCARD-CLICK» дастурий тизимлари орқали:

- » барча коммунал хизматлар, уяли алоқа операторлари, кабель телевидениеси, интернет ва бошқа хизматлар ҳамда товарлар учун тўловларни амалга ошириш;
- » банк томонидан Сиз учун очилган ҳисоб рақамни бошқариш;
- » жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмаларини уяли алоқа телефони ёки интернет тармоғи орқали банк иштирокисиз амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, мижозлар учун қуйидаги қулайликлар яратилган:

- » тўловларни телефондаги USSD-сўровномаси орқали хоҳлаган телефондан (телефон марказидан қатъий назар) амалга ошириш мумкин;
- » мижоз томонидан телефонга ҳеч қандай қўшимча дастурий таъминот ўрнатилган талаб қилинмайди;
- » ҳисоб рақам телефонга эмас, балки мижознинг SIM-картасига боғланган, шунинг учун телефон ишламай қолган тақдирда SIM-картани бошқа телефонга ўрнатиб, тўловни амалга ошириш мумкин;
- » мижознинг телефонда маблағ етарли бўлмаган ҳолатларда ҳам мижоз USSD-сўров орқали тўловларни амалга ошириши мумкин;
- » мижоз банкка ташриф буюрмасдан балансни кўриши, пул маблағлари билан тўлдирини, тўловларни амалга ошириши ҳамда назорат қилиши мумкин;
- » UZCARD EMV (он-лайн) пластик карточкалари орқали тўловларни амалга ошириш бепул ва ҳеч қандай ҳақ олинмайди.

Маълумот учун телефонлар: (8371) 120-82-76, 120-81-90, 120-81-91.

«Асака» банк — молия хизматлари бозорида Сизнинг ишончли ҳамкорингиздир!

Хизматлар лицензияланган

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси

«КОСОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни

Янги — 2014 йил

билан чин қалбдан муборакбод этади!

«Соғлом бола йили» деб номланган мазкур йил она Ватанимиз тараққиётида жадал ривожланиш ва иқтисодий юксалишлар даври сифатида тарихга муҳрланиб, бахт ва омадларга бой бўлсин. Ўзининг бебаҳо ютуқлари билан юртдошларимиз қалбидан ўчмас из қолдирсин. Унинг ҳар бир куни қувончу шодликларга тўла бўлсин.

Байрам кайфияти йил давомида сизларга ҳамроҳ бўлсин, азиз юртдошлар!

Сиёсат

Инсонпарварликнинг олий намунаси

Давоми. Боши 1-бетда

Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг ушбу анъана янада бойитилиб, адолатпарварлик, меҳр-мурувват тамойилларига давлат даражасида аҳамият қаратила бошланди. Юртимиз ҳаётининг энг муҳим саналари, миллий байрамларимиз арафасида турли муддатларга озодликдан маҳрум этилганларни авф этиш, жазони ўташ даврини қисқартириш фикримиз далили, мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг яқинда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йилгирма йил йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори юртимизда кенг нишонланаётган қутлуғ санага янада улугворлик бахш этди.

Инсон учун озод ва эркинликда, ўз оиласи, яқинлари даврасида ўтказадиган ҳар бир дақиқаси қадридлир. Шу маънода адабиёт қилган, билиб-билмай жиноят йўлига

...аҳамиятли томони I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарор қучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланиши мамлакатимизда инсонни эъзозлаш, унга нисбатан меҳр-мурувват кўрсатиш, ғамхўрликда бўлиш каби хусусиятлар халқимиз руҳига сингиб кетганидан дарак беради.

кириб қолганларга нисбатан кечиримли рўйиш, уларга ҳаётларини қайтадан изга солишга имкон бериш, келажақда эзгу мақсадлар сари руҳлантириш юксак инсоний фазилат саналади. Ҳар йили анъанага мувофиқ Бош Қомусимиз қабул қилинган кун муносабати билан озодликдан маҳрум қилинган айрим тоифадаги фуқаролар авф этилиши ҳам мамлакатимизда инсон ва унинг ҳаёти нақадар қадрланганидан далолатдир.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда «Амнистия, авф этиш ҳамма ҳолларда инсонга туҳфа этилиши мумкин» деган қоида мавжуд. Айнан бундай халқаро қоидалар ҳаётимиз қомуси бўлиши Конституциямизда ва миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган. Конституцияимизнинг 93-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти

денти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Олий Мажлис Сенатига тақдимнома киритиши белгиланган.

Қарорнинг эълон қилиниши бугунги кунда неча-неча ҳондонларга севинч, ота-оналарини интизор бўлиб кутаётган фарзандларга беҳад қувонч, фарзандларини кутаётган ота-оналарга эса бағрибутунлик олиб келди.

Амнистия актининг биринчи бандига кўра, биринчи навбатда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари жазодан озод этилиши белгиланган. Айни пайтда қарорнинг иккинчи бандига кўра, эҳтиётсизлик оқсидан жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод этилиши белгилаб қўйилган.

Қайд этиш жоизки, амнистия акти эълон қилинган кундан бошлаб мажбурий бандларда қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча иш-...

...аҳамиятли томони I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарор қучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланиши мамлакатимизда инсонни эъзозлаш, унга нисбатан меҳр-мурувват кўрсатиш, ғамхўрликда бўлиш каби хусусиятлар халқимиз руҳига сингиб кетганидан дарак беради.

кириб қолганларга нисбатан кечиримли рўйиш, уларга ҳаётларини қайтадан изга солишга имкон бериш, келажақда эзгу мақсадлар сари руҳлантириш юксак инсоний фазилат саналади. Ҳар йили анъанага мувофиқ Бош Қомусимиз қабул қилинган кун муносабати билан озодликдан маҳрум қилинган айрим тоифадаги фуқаролар авф этилиши ҳам мамлакатимизда инсон ва унинг ҳаёти нақадар қадрланганидан далолатдир.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда «Амнистия, авф этиш ҳамма ҳолларда инсонга туҳфа этилиши мумкин» деган қоида мавжуд. Айнан бундай халқаро қоидалар ҳаётимиз қомуси бўлиши Конституциямизда ва миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган. Конституцияимизнинг 93-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ойша АХУНОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

жазо ўтаётган айрим шахсларнинг жазо муддати тегишли тартибда қисқартирилади.

Таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибидан тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, туралаш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилиниши ҳам амнистия тўғрисидаги актда ўз ифодасини топган. Адабиёт жиноят йўлига кирган, айни чоғда хатосини тушуниб етган, тўғри йўлга киришни астойдил истаган шахсни кечирмоқ, авф этмоқ, уни жамиятдан ажратмасдан оиласи бағрига қайтармоқ адолатли иш ҳисобланади. Ўз навбатида, бу халқимизга хос кечиримлик, инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг юксак намунасидир.

Қарорда муқаддам амнистия акти бўйича жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод бўлган ва яна қасдан жиноят содир этган шахсларга ушбу акт татбиқ этилмаслиги алоҳида қайд этилганлиги, албатта, бу адолатдандир.

Урни келганда шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси асосий йўналишларидан бири ҳам бевосита инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қаратилганлиги. Партиянинг сайловли дастурида таъкидланганидек: «Адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш «Адолат» партиясидан сайланадиган депутатлар фаолиятининг асосий ва бош йўналиши бўлиши айланиши даркор». Шу нуқтаи назардан партия ва фракцияимиз аъзолари ҳам амнистия қарорини қўллаб-қувватлайдилар.

Давоми. Боши 1-бетда

Жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб вазият журналистлардан янада масъулиятли, хушёр ва оғоҳ бўлишни талаб этмоқда. Жамиятни турли ахборот хуржларидан ҳимоя қилиш баробарида, юртдошларимизнинг қувонч ва ташвишларини холис ёритиб бориш, баркамол авлоднинг умрбоқий эзгу қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аждоқларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлашга даъват этиш ҳам бугунги кунда журналистларнинг асосий бурчига айланган. Шубҳасиз, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса, ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асраш-авайлаш, аҳолини доимо сезгир ва оғоҳ бўлиб яшашга даъват этишда журналистнинг ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Миллий матбуот юртдошларимизни давлат қурилиш тизими, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларидан хабардор қилиш билан бирга, Ўзбекистон манфаати ҳар биримиз учун бирламчи эканини доимо аналитик турғучи асосий восита бўлиши керак. Бу эса унинг жамият олдидаги масъулиятини белгилувчи асосий мезондир.


Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида фуқаролик жамиятининг асосий бўғинларидан бири бўлган ОАВ фаолияти хусусидаги фикр-мулоҳазалари биз соҳа вакиллари ўз фаолиятимизни танқидий баҳолашга, ундан тегишли хулосалар чиқаришга ундайди.

Тан олиш керак, истиқлол йилларида матбуотнинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди. Соҳага оид унга яқин қонуний ҳукм қабул қилинди. Ҳар йили матбуот ва ОАВ ходимлари кунда Юртбошимизнинг соҳа вакилларига таъриқ йўллашлари ҳам матбуот ходимлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётгани тасдиғидир. Айни пайтда журналистлар меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида турли қўриқ-танловлар ўтказиш анъанаси айланди. Президентимизнинг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори эса берилаётган имтиёзлар туфайли иқтисодий аҳоли янада яхшиланган матбуотимиз сифат жиҳатидан ҳам янги поғонага кўтарилишига хизмат қилди.

Шубҳасиз, тараққийот ҳеч қачон бир жойда туриб қол-

Эркин ахборот майдони

демократик қадриятлар ҳимоячиси сифатида



майди. Узлуксиз ривожланиш янги-янги омилларни, ислохотларни талаб этади. Ишюнч билан айтишимиз мумкинки, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» юртимизда амалга оширилаётган демократик янгилаш ва модернизация жараёнларининг қонуний ва мантикий давоми бўлди. Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Зеро, шиддат билан ўзгараётган давр, янгича онг-тафаккур ОАВдан ҳам ишга янгича ёндашувни талаб этмоқда.

Шу билан бирга Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига оид конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ амалга оширишнинг муҳим вазифаси сифатида амалга оширилаётган ислохотлар ошқоралигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Президентимизнинг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойиш бунга яққол мисолдир. Унга мувофиқ, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг хабардор қилиб бериш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг, жамоат беришларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш механизмлари иш-

лаб чиқилмоқда. Бу эса ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳисобдорлигини, улар устидан фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВнинг жамоатчилик назоратини самарали таъминлаш имконини беради. Шубҳасиз, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолиятининг очиқлиги, ошқоралиги ахборот олиш имкониятини кенгайтирибгина қолмай, ахборотни ўқувчига ўз вақтида ва холис етказиш ишига хизмат қилади.

Тан олиш керак, дунёнинг

Мана шундай юксак эътибор туфайли мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айланди, айни пайтда аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бироқ матбуот бугун ҳамият ва давлат ўртасида муҳим кўприк вазифасини ўташи учун журналистлар ўз устида муттасил ишлашлари талаб этилади.

бирон мамлакатда оммавий ахборот воситалари бизнинг республикамиздаги сингари доимий эътибор ва ғамхўрлик остида бўлмас керак. Мана шундай юксак эътибор туфайли мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айланди, айни пайтда аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бироқ матбуот бугун ҳамият ва давлат ўртасида муҳим кўприк вази-

фракциялар кўраётган ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини халққа тушунарли ва содда тилда етказиб бера оладиган муҳим воситага айланиши ҳар қачондан ҳам муҳимроқ.

Ҳа, давримиз юқори суръатлар билан олдинга интилмақда. Бу жараёнда эл-юрт ишончини оқлаб виждонан меҳнат қилиш, замон, давр чақирилгани вақтида илғаб, уларга «лаббай» дея жавоб бериш, эл-юрт манфаати йўлига яқдиллик билан иш олиб бориш бизнинг бош вазифамиздир.

Абдували САЙБНАЗАРОВ

Қурилиш қоидалари: унга амал қилиш иншоот мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини таъминлайди

Фаолият

Маълумки, лойиҳалар ва қўлланилаётган қурилиш маҳсулотларининг сифати, қурилиш ва ишлаб чиқариш ташкилотларининг муҳандис-техник ходимлар ва малакали ишчилар билан таъминланганлиги ҳамда назорат тизимининг режали ташкил қилиниши қурилишда сифат кўрсаткичларини яхшилашнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Инспекция фаолиятида асосий эътибор қурилишда юз бериши мумкин бўлган камчилик ва нуқсонларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, аввало пудратчининг ишлаб чиқаришдаги назорати ташкил этилади. Шунингдек, назорат тизимининг бошқа иштирокчилари фаолиятини алоҳида ўрганиб, уларга методик ёрдам беради ва тушунтириш ишлари олиб боради. Ушбулардан келиб чиққан ҳолда Бухоро вилоят Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси томонидан жорий йил 11 ойда 570 та қурилиш объектлари рўйхатдан ўтказилиб, назорат ишлари олиб борилди. Натижада вилоятда давлат инвестициялари ҳисобига қурилган объектлар тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига муво-

Президентимизнинг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилояти ДАКН инспекцияда ҳам қўриқчи ҳисоботлар шакллар қўриқчида тақдим қилиниб, унинг фаолияти, интерактив хизматлари ва бошқа маълумотлар www.buhgans.uz веб-сайтида ёритиб берилмоқда.

Самарқанд вилояти Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси томонидан ҳам ушбу йилнинг 9 ойи давомида билим даргоҳлари, уй-жойлар, йўл, мелиорация, сув тармоқлари ва бошқа объектлар қурилишлари бўйича жами 451 та объектлар рўйхатга олинди, ҚМК, ШНК, лойиҳа ва зилзилабардошлиқлар талабларига мувофиқлигини назоратга олиш учун буортмачилар билан шартномалар тузилди. Инспекция ходимлари томонидан кўрсатмаларнинг бажарилиши доимий назоратга олинди, аниқланган камчиликлар қурилиш жараёнида бартараф қилиниши ва қурилиш меъёрларига келтирилиши таъминланиб берилмоқда. Албатта, олиб борилаётган

профилактика ишларга қарамастан, қурилишда қоида бузиш ҳолатлари учраб турибди. Инспекция томонидан берилган ёзма кўрсатмаларни муддатда бажармаслик, зилзилабардошлик меъёрларини бузиш, сертифициланмаган маҳсулотлардан фойдаланиш ва сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолатлари бўйича «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги қонунга асосан буортмачи, пудратчи ташкилотларига нисбатан жами 83 миллион 370 минг сўм жарима қўрилди.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳам профилактика ишлари олиб борилиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ва фаолиятда йўл қўйиши мумкин бўлган қонунбузилиш ҳолатлари олдини олиш бўйича инспекцияда ишонч телефони ўрнатилган. Қолаверса, бевосита жойларга чиқиб, тадбиркорлик субъектларида тушунтириш ишлари олиб борилди, меъёрий техник ва технология ҳужжатлар ва зарур ўлчов воситалари билан таъминлаш учун амалий ёрдам кўрсатилди.

Инспекция таркибида «Ўз-стандарт» агентлигидан белгиланган тартиб асосида аккредитациядан ўтказилган қурилиш

маҳсулотларини синаш лабораторияси фаолият кўрсатиб келмоқда. Лаборатория қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва пудратчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида маҳсулотлар ва бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича даврий, амалий, назорат ва сертифицилаш синовларини давлат стандартлари талабларига мувофиқ ҳолда амалга ошириб келаяптир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни куचाйтиришга доир қўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси ҳам инспекция фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Инспекция мутахассислари туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ишчи комиссиялари билан ҳамкорликда мунтазам иш олиб бориши натижада 38 та ноқонуний объект аниқланиб, шундан 26 та объект қурилиши тўлиқ қонунийлаштирилди ва 12 та ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш юзасидан эса туман ҳокимликларига тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари



фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойиш инспекция томонидан ўрганилиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятини, аҳоли кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган тегишли чора-тадбирлар тузилиб, вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, интернет тармоғида инспекциянинг www.samdaqn.uz веб-сайти яратилди. Веб-сайтга инспекция фаолияти, унинг мажбуриятла-

ри, тузилмаси, инспекция томонидан интерактив хизматлар тўғрисидаги маълумотлар, янгиликлар бўлимлари киритилган. Фуқаролар мурожаатларини янада тезлик билан ўрганиш ва тегишли саволларига вақтида жавоб бериш мақсадида онлайн мурожаатлар хизмати ҳам киритилди.

Истам ҲАМРОЕВ, Бухоро вилояти Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи, вазифасини бажарувчи, Саъдулло ЗИЯДУЛЛАЕВ, Самарқанд вилояти Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи

Жараён

Ёруғ келажак сари

Юртбошимиз маърузаси жойларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг барча ҳудудий ташкилотлари томонидан маҳаллаларда, қорхона ва ташкилотларидаги меҳнат жамоаларида турли тадбирлар, учрашу ва семинарлар ташкил этилмоқда.

Партиянинг Наманган вилоят кенгашида шу муносабат билан ўтказилган давра суҳбатига кенгаш ходимлари, партия фаоллари иштирок этдилар.

— Бундан йигирма бир йил аввал қабул қилинган Конституциямиз мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, халқимизни истиқлол йўлидан олға бошлаб боришда пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ўзига хос дастуриламал ва зифасини бажарди, — деди вилоят кенгаши раҳбари Олимжон Мақсудов. — Ватанимизнинг тарққиёт йўли бугунги кунда бежиз дунё ҳамжамиятида «Ўзбек модели» деб ном қозongan эмас. Унинг мазмун-моҳияти мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ машҳур беш тамойилда мўжассам бўлганди.

— 2014 йил «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганлиги, айниқса, биз шифокорларни янада фидокорона ишлашга, замонавий тиббиёт ютуқларидан кенгрок фойдаланишга, тармоқда рўйбга чиқарилаётган ислохотлар самарадорлигини оширишга даъват этади, — деди Республика акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази маънавият ва маърифат бўлими раҳбари, «Адолат» СДП бошланғич ташкилот раиси Манзура Тўйчиева. — Азалдан халқимиз болажон ҳисобланади, фарзандлари учун ҳеч нарсаи аямайди. Бу аjoyиб қадрият истиқлол туйғули янада юксак босқичга кўтарилаётганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Зотан, келажак буюк давлатни ҳар томонлама соғлом ёки барқамол авлодга барпо эта олади. Бу эса юртимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг орау-умидларига мос тушади, деб ўйлайман.

Бизнинг тиббиёт муассасамизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида нафақат амалий, балки илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади. Келгусида бундай тадбирлар кўлами янада кенгайди.

Вилоят кенгаши раисининг

ўринбосари Исроил Жўраев ўз сўзини мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» шiori остида амалга оширилаётган ишларга бағишлади. Чунки Президентимиз ўз маърузасида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида олға сурилган устувор йўналишлардаги вазифалар ижросига ҳам алоҳида тўхтади. Айниқса, сиёсий партияларнинг ривожланиши биз кўзлаган демократик давлат барпо этишнинг муҳим шarti эканлигига эътибор қаратилганлиги диққатга сазовордир. Демак, партиямиз ва унинг маҳаллий ташкилотлари «Адолат» СДП учун овоз берадиган фуқаролар манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўришлари зарур.

Бу, айниқса, ҳозирги паллада, яъни келгуси йилги сайловлар арафасида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон «Адолат» СДПдан халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати Абдукарим Дўстбоев ўз партиядошлари бўлган маҳаллий кенгашлар депутатларини қонуний ваколатларидан кенгрок фойдаланишга чакирди. Чунки, ижро органлари фаолияти устидан назоратни кўчатириш депутатлар, қолаверса, сиёсий партияларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини янада оширишга хизмат қилади.

Иккинчи томондан маҳаллий ҳокимият ва унинг бўлим ҳамда бошқармалари маъсулиятини кўчатиришга кўмаклашади. Ижро органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишни доимий йўлга қўйиш ҳам фойдадан холи эмас. Лекин бунинг учун кенгашлар, депутатлик гуруҳлари, доимий комиссиялар фаолиятни, ташаббускорликни кўчатиришлари даркор.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Adolat» мухбири

Партиянинг Қўрғонтепа тумани кенгаши ташаббуси билан Чимён қишлоғида ташкил этилган тадбир ҳам айна шу мавзуга бағишланди.

Тадбир ташкилотчилари ва ҳуқуқшунослар Президентимиз маърузасида илгари сурилган фикрлар, қўлга киритаётган ютуқларимиз замирида тинчлик ва барқарорлик ётганлиги, 2014 йилнинг республикамизда «Соғлом бола йили» дея номлангани ёш авлодга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир кўриниши эканлигини таъкидладилар.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқишда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳит-

ни кўчатиришга алоҳида эътибор қаратилиши аёлга, келажак авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликларнинг янада ортишидан далолат, — деди партия фаоли Мохидил Бахриддинова. — Бугунги тадбирга асосан ўз бекалари ва оила қуриш арафасида турган ёшларнинг тақлиф этилгани ҳам бежиз эмас. Биз уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фаолиятини ошириш ишига ҳисса қўшсак, оилалар тотувлиги мустаҳкамланади, унда ҳисмонан ва маънан соғлом авлод шаклланади.

Акбаржон НАЗАРОВ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган тадбир маърузасидаги устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалар ва маърузани партия фаоллари орасида чуқур ўрганишни ташкил этиш масаласига бағишланди.

— Президентимиз ўз маърузасида демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омил сифатида сиёсий партияларнинг ролини кескин кўчатириш, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш зарурлигини алоҳида қайд этдилар, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий аппарати Ташкилий партиявий ишлар бўлими бошлиғи Акмал Самеджанов. — Шундай экан, биз, энг аввало, ташкилий ишларимизни яна бир бор қайта кўриб чиқишимиз, қўйи бўғинлардан тортиб, маҳаллий вақаллик органларидаги депутатларимизнинг фаолиятини кўчатиришимиз, уларнинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросидаги

ролини оширишимиз, партиямиз дастуридан келиб чиқиб жойларда ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар беришларига кўмаклашимиз лозим. Бундан ташқари, кенг жамоатчилик орасида ўтказиладиган тарғибот тадбирларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, партиямизнинг дастурий гоя ва мақсадларини аниқ ифодалаш, электоратимиз манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қаратилган ташаббус ва тақлифларни илгари суриб зарур. Шундангина 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вақаллик органларига ўтказиладиган умумхалқ сайловларида муносиб ўринларни эгаллаш учун замин ҳозирлаймиз.

Тадбирда шунингдек, партия фаолларига жойларда Президентимиз маърузасини кенг тарғиб қилиш юзасидан зарурий тавсиялар берилди.

Бобир ОТАМУРДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот котиби

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фаргона вилояти 22-сон қурилаётган қорхоналар бирлашган дирекцияси ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи: 1. «Фаргона вилояти Ёзёвон туманидаги «Ч-2-1» хўжалиқларо коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=142,932 км.)».

Бошланғич нархи: 1 492 531 920 сўм ҚҚС билан;
1 243 776 600 сўм ҚҚС сиз.

Муддати — 12 ой.

2. «Фаргона вилояти Бувайда туманидаги «К-5-8» хўжалиқларо коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=67,770 км) 2-навбат».

Бошланғич нархи: 607 528 006 сўм ҚҚС билан;
506 273 338 сўм ҚҚС сиз.

Муддати — 9 ой.

3. «Фаргона вилояти Данғара туманидаги «АФ-1, Д-10» хўжалиқларо коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=114,445 км.)».

Бошланғич нархи: 990 530 387 сўм ҚҚС билан;
825 441 989 сўм ҚҚС сиз.

Муддати — 12 ой.

Манзил: Фаргона шаҳар, ал-Фарғоний кўчаси, 92-уй,
тел. (373) 244-70-85.

Қурилиш-монтаж ишлари: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги сугориладиган ерларни мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 35%.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва қорхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар

қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фаргона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй,
телефон/факс: 8-373-244-55-32.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг
нархи — 63 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин Фаргона шаҳар, ал-Фарғоний кўчаси, 92-уй манзилда ўтказилади.

ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фаргона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси танлов савдоси ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: ЛОТ-1
ЛОТ 1-1 «Фаргона вилояти Бувайда тумани «Маданият уйи» биноларини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 467 196 566 сўм ҚҚС сиз ва
560 635 879 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 1-2 «Фаргона вилояти Ёзёвон тумани Қатортол қишлоғидаги дам олиш ва маданият марказини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 481 414 614 сўм ҚҚС сиз ва
577 697 537 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 1-3 «Фаргона вилояти Сўх тумани Ровон қишлоғидаги «Маданият уйи»ни мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 518 533 269 сўм ҚҚС сиз ва
622 239 923 сўм ҚҚС билан.

Муддати — 30 кун.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Фаргона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй,
тел. (373) 400-52-80.

Қурилиш-монтаж ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 100%.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва қорхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар

қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товар-

лар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фаргона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй,
телефон/факс: 373-244-55-32, 98/276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир
тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин Фаргона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй манзилда ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фаргона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси танлов савдоси ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: «Фаргона вилояти Фаргона шаҳар ноғиронлар учун минтақавий реабилитация маркази ҳудудига 50 ўринли даволаш корпус биносини реконструкция қилиш ишлари»

Бошланғич нархи: 2 740 097 193 сўм ҚҚС билан;
2 283 414 328 сўм ҚҚС сиз.

Муддати — 1.08.2014 йил

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Фаргона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси,
37-уй, тел. (373) 400-52-80.

Қурилиш-монтаж ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат тақлифлари тенг баҳолан-

ганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва қорхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб берилади-

танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фаргона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй,
телефон/факс: 373-244-55-32.

Танлов ҳужжатларини
бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин Фаргона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй манзилда ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фаргона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси танлов савдоси ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи: 1. «Фаргона вилояти Фурқат тумани Тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (150 қатновли кўп тармоқли поликлиника қурилиши)»

Бошланғич нархи: 1 444 512 800 сўм ҚҚС билан;
1 203 760 667 сўм ҚҚС сиз.

Муддати — 20.08.2014 йил.

2. «Фаргона вилояти Бағдод ТМБ реконструкция қилиш ишлари (150-қатновга кўп тармоқли поликлиника қурилиши)».

Бошланғич нархи: 1 367 870 000 сўм ҚҚС билан;
1 139 891 667 сўм ҚҚС сиз.

Муддати — 20.08.2014 йил.

3. «Фаргона вилояти Бешарик тумани Бешкапа қишлоғидаги 13 сонли мактабни мукамал реконструкция қилиш ишлари (80 ўринли ўқув биносини қурилиш ва 624 ўринли ўқув биносини мукамал таъмирлаш)».

Бошланғич нархи: 859 261 835 сўм ҚҚС билан;
716 051 529 сўм ҚҚС сиз.

Муддати — 1.08.2014 йил

Буюртмачи: вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Фаргона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй,
тел. (373) 400-52-80.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат тақлифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва қорхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қури-

лиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фаргона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй,
телефон/факс: 373-244-55-32.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин Фаргона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй манзилда ўтказилади.

Биз ва дунё

“Катта коалиция” социал-демократлар билан биргалликда тузилди

“Адолат” шарҳи

Сиёсий курашда кучли ғолиб чиқади. Бу жараёнда ғояга, дастурга ишонтира олиш муҳим аҳамиятга эгадир ва, табиийки, мамлакат фақат декабрь ойининг қоқ ўртасига келиб янги ҳукуматга эга бўлди. Сўнги икки ярим ой давомида Ангела Меркел бошчилигидаги Христиан демократлар иттифоқи ва христиан социалистлар иттифоқи блоки социал-демократлар билан «катта коалиция» тузиш шартлари ҳусусида музокара олиб борди.

Германияда парламент сайлови жорий йилнинг 22 сентябрыда ўтказилганига қарамай, мамлакат фақат декабрь ойининг қоқ ўртасига келиб янги ҳукуматга эга бўлди. Сўнги икки ярим ой давомида Ангела Меркел бошчилигидаги Христиан демократлар иттифоқи ва христиан социалистлар иттифоқи блоки социал-демократлар билан «катта коалиция» тузиш шартлари ҳусусида музокара олиб борди. Мамлакат тарихида биринчи мартаба аёл кишининг мудофаа вазири этиб тайинлангани энг катта шов-шувлардан бири бўлди, дейиш мумкин. Урсула фон дер Ляйен Меркел хоним билан бирга 2005 йилдан бери унинг ҳукуматида ишлади. Етти нафар фарзандни тарбиялаётган фон дер Ляйен ўз сиёсий йўлини Оила ишлари бўйича вазир лавозимидан бошлаган, кейинчалик Меҳнат вазириликни бошқарди.

— У мудофаа соҳасида ишлаш тажрибасига эга эмас, бироқ унинг халқро муносабатларга қизиқиши бор, — дейди Меркел хоним. Германияликлар парламент таркибига 30 дан зиёд партия ва блокларни сайлаш имкониятига эга эдилар. Бироқ фуқароларга тўртта сиёсий партия ва блокларнинг ғоя ва дастурлари маъқул келди (ўтган сайловда 5 та партия парламентдан жой олганди), холос. Бу гал омад либераллардан (Озодлик демократик партияси, уларни баъзида «бойлар» партияси, деб ҳам аташади) юз ўгирди. Улар ўтган сайлов билан таққослаганда нафақат натижаларини ёмонлаштирдилар, балки парламентга ўтиш учун зарур бўлган 5 фоиз овозни ҳам тўплай олмадилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германия тарихида ҳукумат таркибидан энг кўп (42 йил) бўлган партия учун бу чинакам ҳалокатли натижа бўлди.

Либералларнинг парламент таркибидан жой ололмагани сиёсий кучлар мувозанатига салбий таъсир кўрсатди. Негаки, 2009 йилдан бери Ангела Меркелнинг консерваторлар блоки либераллар билан биргалликда ҳукуматни бошқариб келган. Улар «кичик шерик» ролини ўйнаган бўлсалар ҳам,

бир қатор вазирлик лавозимлари ажратилганди. Жумладан, партия етакчиси Гидо Вестервелле Германиянинг хориждаги манфаатларини ҳимоя қилган бўлса, Филипп Рёслер вице-канцлер ва иқтисодиёт вазир лавозимида ишлади. Бироқ охириги сайловларда либераллар электоратининг кўпчилиги ХДИ/ХСИ блоки учун овоз берганини таъкидлаш жоиз.

Сентябрь сайловларида Меркел блоки 41,5 фоиз овоз тўплади. Қолган рақиблик ҳатто, сўнги йилларда қатор федерал ўлкаларда ҳокимиятнинг кўлга киритган социал-демократлар ҳам бирмунча ортда қолишди. Германия СДП 25,7 овоз йиғишга эришган бўлса, қолган овозлар «сўллар» ва «яшиллар» ўртасида тақсимланди. Парламентдаги мандатларнинг 311 таси ХДИ/ХСИ блоки ихтиёрига ўтганига қарамай, бундестагда кўпчилик мақомига эга бўлиш ва ҳукуматни мустақил шакллантириш учун 5 та ўрин етмади.

Энди коалиция тузишдан бошқа йўл қолмаганди. Аксига олиб, социал-демократлар сўлллар ва яшиллар билан бирлашган тақдирда Меркел хоним ҳукуматдан маҳрум бўлиши аниқ эди. Албатта, сўлллар тутган позиция туфайли ҳеч қанча улар билан коалиция тузиш имкониятини ўйлаб кўргани ҳам йўқ. Чунки бир томондан, иқтисодиётга нисбатан ёндашувлари ўта радикал ҳисобланса, иккинчи томондан, уларнинг Германия социалистик ўтмиши билан ўта мустақкам алоқадорлиги бошқа партияларни ўйлантириб қўйди.

Яшиллар ХДИ/ХСИ блоки билан коалиция тузиш борасидаги музокаралардан бош тортган (яшилларнинг солиқларни ошириш талаби блока хум келмаган), Меркелда социал-демократлар билан «катта коалиция» тузишдан бошқа йўл қолмади. Таъкидлаш жоизки, бу ҳужумрон блокнинг ГСДП билан биринчи ҳамкорлиги эмас. 2005 йилда ҳам ушбу сиёсий кучлар ўртасида «катта коалиция» тузилган. Шубҳасиз, бундай иттифоқ не кам халқнинг манфаатларига тўла жавоб беради.

Бироқ консерваторлар ва социал-демократларнинг мамлакат иқтисодий тараққиёти ҳусусидаги қарашлари тўқнаш келгани учун ҳам томонлар шу йилнинг октябрь ойидан бошлаладиган ҳукуматни бошқариб келган. Улар «кичик шерик» ролини ўйнаган бўлсалар ҳам,



симланган учта сиёсий партиянинг 70 дан зиёд сиёсатчилари иштирок этди. Шубҳасиз, Меркел блокнинг мулоқотлардан ўзга чораси йўқлигини ҳис қилган социал-демократлар музокара билан бир қатор шартлар билан ташириш буюришди. Рўйхатга сиёсий дастурлариданги ўн пунктни киритишди. Дастлаб бу кескин шарт сифатида кўринган бўлса-да, ГСДП қўяётган талабларнинг бир қисми (нафақатлиқ миқдори, ноғиронларга эътибор, инфратузилмаларга сармоия киритиш) ХДИ/ХСИ режаларига мослиги аён бўлди.

Бўлуши шерикларнинг асосий тортишувлари солиққа тортиш ва минимал маошларни белгилаш устида борди. Социал-демократлар солиқларни ошириш ва бир соат учун энг кам иш ҳақи 8,5 евро миқдорига белгилашнинг таллаб қилишди. ХДИ/ХСИНинг биринчи шартга қўйиши қийин кечди. Чунки сайловда дастурида блок солиқларнинг оширилишига йўл қўймасликка даъво берганди. Иккинчи пунктга келадиган бўлса, Меркел партияси аниқ чегара белгиламаслигини, минимал иш ҳақини конкрет тармоққа қараб аниқлаши тақдир эди. Охирида консерваторлар ҳар икки пункт бўйича ён беришди, бироқ имзоланган келишувда ноаниқликлар мавжудлиги экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.

Коалицион келишувнинг яна бир пункти — йирик компанияларнинг қузатув кенгаширида аёллар учун квота ажратилиши ишбилармон доираларда айрим норозиликларни тугдирди. Янги коалицион ҳукумат корхоналарнинг раҳбарлик лавозимларида аёлларнинг 30 фоиздан кам бўлмашлиги тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишига эришмоқчи. Бу масалада ҳам томонларнинг бир-бирига ён беришига тўғри келди. Қузатувчилар фикрича, бу масалада Меркел блоки кўпроқ ён берган. Чунки шу пайтгача консерваторлар аёлларга квота ажратишга жазм қилмаган.

Муҳожирларнинг фарзанд-

лари учун қўш фуқаролик тақдир этиш борасидаги масала социал-демократлар фойдасига ҳал бўлди. Ҳозирда ота-оналари немис миллатига мансуб бўлмаган Германияда туғилган болалар 23 ёшга киргунга қадар қайси мамлакат (ГФР ёки ота-онанинг юрти) фуқароси бўлиш истагида эканини аниқ айтиши керак. Социал-демократлар барча муҳожирларга қўш фуқаролик бериш имкониятини тақдим этиш ғоясини илгари сурган бўлса-қар, консерваторлар, айниқса ХСИ бунга мутолақо рад этаётганди. Энди томонлар Германияда туғилган хорижликлар болалари учун фуқароликнинг автоматик тарзда берилишига келишиб олдилар.

Коалицион келишув ҳозирча қонунлар тўпласи эмас, балки «катта коалиция» учун асосий йўналишдир. Бу ўринда кўп нафақа алоҳида вазирликлар раҳбарларига, айниқса, молия вазириликка боғлиқ. Ҳозирги шартда Меркел хоним учун асосий вазири — аввал бошланган иқтисодий сиёсатни сақлаб қолиш ҳисобланади. Зеро, мазкур сиёсат унга учинчи бор ҳокимият теҳасига келишга ва Германияни еврозондаги етакчи мамлакат сифатида сақлаб қолишга имкон берди. Куни-кеча эълон қилинган ҳукуматнинг янги таркиби ҳам мазкур тезисни тасдиқлайди. Энг муҳим лавозимлардан бири — молия вазирилик Вольфганг Шойбле қўлида қолаётгани ҳам Германиянинг инқироз давом этаётган мамлакатларда қатъий илоҳотлар ўтказиш ва банк тизимини изга солиш орқали евромақонни сақлаб қолиш сиёсатини давом эттиришини аниқлатади. Евромақондаги янги ички маҳсулотнинг 30 фоизини бераётган ГФР Европа ва жаҳоннинг энг йирик иқтисодий марказларидан бири. Иш-сизлик даражасининг пастилиги (5 фоиз) бўйича кўҳна китъада иккинчи ўринда туради. Канцлер Меркел хоним ва молия вазири Вольфганг Шойбле туфайли Германия Европа Иттифоқини кескин иқтисодий тежаш сиёсатини қўллашга

кўндиришга ва инқирознинг немис иқтисодиётига зарбасини энгиллаштиришга муваффақ бўлди. Иқтисодиёт турғунликдан чиқди, ДАХ фонд индекси жуда қокори даражада турибди. Германия экспорт ҳажми бўйича АКШ ва Хитойдан кейинги учинчи ўринда қоляпти. Маҳсулотларининг 69 фоизини Европа мамлакатларига экспорт қилади.

“Европанинг кўпгина мамлакатларини қамраб олган инқирозга қарамай Германия ўзини яхши ҳис қилмоқда” номли сайловдаги шиори Меркелга омад келтирди.

Протестант пастирининг қизи, собиқ ГДРда ўсган ва тарбия толган Ангела Меркел физика фанлари доктори ва квант физикаси соҳасида эксперт саналади. Канцлер лавозимини эгаллагунча табиатнинг муҳофаза қилиш ва ядровий хавфсизлик вазири лавозимида ишлаган. Рус ва инглиз тилларида бемалол сўзлаша олади. У Конрад Аденауэр ва Гельмут Колдан кейинги уч мартаба кетма-кет ҳукумат раҳбари лавозимини эгаллаган сиёсатчи сифатида тарихда қолади. Зеро, ГФР конституцияси чекланмаган ва танафуссиз, сайловларда галаба қозонган партия вакилининг канцлер лавозимини эгаллашга руҳсат беради.

Умуман олганда, янги ҳукуматда ХДИга етита, ХСИга олтига вазирлик ажратилди. Партия етакчиларидан бири Зигмар Габриэл иқтисодиёт ва энергетика вазириликни, Франк-Вальтер Штайнмайер ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллайдиган бўлди. Ҳар иккаласи ҳам 2005 йилдаги коалицион ҳукуматда айна лавозимларда ишлаган. Иқтисодиёт ва энергетика вазири сифатида Габриэл «яшил», яъни муқобил энергия соҳасини ривожлантиришга зўр бормоқчи.

Бир сўз билан айтганда, Европада социал-демократик партиялар ва уларнинг ғояларига ишонч ортиб бормоқда.

А. АБДУЛБОҚИЕВ

Назорат

Кексаларимиз азал-азалдан “Исроф қилма, тежаб-терга”, дея кўп ўқтиришган. Бу нақл бежиз айтилмаган. Барча неъматлар қатори нефть, газ ҳам табиат инъоми, мамлакат бойлиги. Шундай экан, улардан оқилона фойдаланиш, тежаб сарфлаш талаб этилди. Албатта, бу борада соҳага оид қонунбузилишлар олдини олишда самарали тарғибот-ташиқот ишлари муҳимдир. Зеро, касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган мақбулдир.

Самарали тарғибот қонунбузилишларга чек қўймоқда

— “Ўздавнефтегазинспекция” ва унинг худудий бўлиmlари ходимлари томонидан бу борада тадбиркорлик субъектлари, аҳоли яшаш жойларида профилактик тушутириш ишлари баробарида, семинар-йиғилишлар, учрашувлар ташкил этиб борилаётир, — дейди таҳлил нормативлар ва ишларни назорат қилиш бўлими бош технологи Абдуазим Менглибаев. — Кичик бизнес, хусусий тадбиркорларга ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга инспекция томонидан ишлаб чиқилган эслатма, тартиб, қўлланма ва иш фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар тарқатилган. Худудий бўлиmlарда ҳар ҳафтанинг жума кунини “Очк эшиклар кунини” деб эълон қилинган бўлиб, жойларда ишонч телефонлари доимий ишлаб турибди.

Жумладан, “Ўздавнефтегазинспекция”нинг Сирдарё вилоят бўлиmlида ҳам бу борада муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Гуруч қурмасиз бўлмаганидек, айрим кимсалар қонунқондалар олдидаги бурч ва мажбуриятларини “унутиб” қўйишмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи даврида бўлим томонидан режалар текширишлар ўтказилганда нефть маҳсулотларидан ўзгача сизиларча фойдаланиш ёки асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилганлиги, табиий газ белгиланган меъёрдан ортиқча нооқилона сарфланганлиги, сикланган табиий газ технологик йўқотишларга ортиқча чиқим қилинганлиги каби ҳолатлар аниқланган.

Масалан, “Олмос Янгиер” МЧЖга қарашли АГТКШда ўтказилган текширишда шохобчада ўрнатилган технология жараёнлари ва технологик асбоб-ускуналар ва тарбия толган Ангела Меркел физика фанлари доктори ва квант физикаси соҳасида эксперт саналади. Канцлер лавозимини эгаллагунча табиатнинг муҳофаза қилиш ва ядровий хавфсизлик вазири лавозимида ишлаган. Рус ва инглиз тилларида бемалол сўзлаша олади. У Конрад Аденауэр ва Гельмут Колдан кейинги уч мартаба кетма-кет ҳукумат раҳбари лавозимини эгаллаган сиёсатчи сифатида тарихда қолади. Зеро, ГФР конституцияси чекланмаган ва танафуссиз, сайловларда галаба қозонган партия вакилининг канцлер лавозимини эгаллашга руҳсат беради.

Умуман олганда, янги ҳукуматда ХДИга етита, ХСИга олтига вазирлик ажратилди. Партия етакчиларидан бири Зигмар Габриэл иқтисодиёт ва энергетика вазириликни, Франк-Вальтер Штайнмайер ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллайдиган бўлди. Ҳар иккаласи ҳам 2005 йилдаги коалицион ҳукуматда айна лавозимларда ишлаган. Иқтисодиёт ва энергетика вазири сифатида Габриэл «яшил», яъни муқобил энергия соҳасини ривожлантиришга зўр бормоқчи.

Бир сўз билан айтганда, Европада социал-демократик партиялар ва уларнинг ғояларига ишонч ортиб бормоқда.

А. АБДУЛБОҚИЕВ

зилган рейдларда эса жами 49 та улгуржи истеъмолчилар табиий газдан ноқонуний фойдаланганлиги оқибатида газ таъминоти корхонасига моддий зарар келтирилганлиги аниқланди, тўлган қонун ҳужжатлар тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди.

“Гулистон нефть базаси” УҚда 93 та фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи шохобча очилган бўлиб, ҳозирги кунда вилоятдаги 3822 та пахта ва галла етиштирувчи фермер хўжаликларига нефть маҳсулотлари тўғрисида тўғри дала майдонларига етказиб бериш учун кўма ёнилиги агрегатлари ва машиналари билан шартнома тузилиб, тўлиқ назоратга олинган эди. Бунинг самараси ўларок, январь-сентябр ойларида пахта ва галла етиштирувчи фермер хўжаликларига 24094 тонна дизель ёнилиги лимити ажратилган бўлса-да, унга нисбатан 3108 тонна иқтисод қилишга эришилгани қувонарлиқдир.

— Вазирлар Маҳкамасининг “Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш ҳамда магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойихалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги қарори асосида АГТКШ, АГТШ ва ГТШлар томонидан тегишли лицензия олишда уларда ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳолининг амалдаги нормалар ва қондаларга мувофиқлиги юзасидан амалий ишлар бажарилимоқда, — дейди “Ўздавнефтегазинспекция”нинг Сирдарё вилоят бўлими бош технологи вазири Абдуазим Менглибаев. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида инспекциянинг топшириқлари ҳамда хусусий фирмаларнинг мувофиқлиги асосан 6 та АГТКШ ва 3 та АСГТШларда ўрнатилган технология жараёнлари ва асбоб-ускуналари аҳоли амалдаги нормалар ва қондаларга мувофиқлиги юзасидан техник кўриқдан ўтказилди, кўрик натижасида камчиликлар маълум бўлган ҳолатларда тегишли кўрсатмалар берилиб, тўлиқ бартараф этилгандан сўнг ижобий хулосалар берилди.

Давур ЖОЗИЛОВ

«Kolberg production» маҳсулотлари

«Kolberg production» кичик корхонасининг Тошкентдаги заводида ер ёноқдан «Nuttis» ширинликлари ишлаб чиқариш бўйича янги линия ишга туширилди. Мазкур лойиҳага 400 минг АКШ доллар миқдорига инвестиция киритилган ва халқро андозаларга мос замонавий технологик линия ўрнатилган. Бу линия ойига юз минг тоннадан ортиқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилаётган ушбу маҳсулотни тайёрлашда фермер хўжаликларидан, хусусан, Сурхондарё вилоятда етиштирилган сара ер ёноқдан фойдаланилмоқда.

Феруза НУРМАТ ҚИЗИ, ЎЗМУ талабаси

Иқтисодий ривожланиш йўлида

Сифат ва сертификат

Ҳар бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки тақлиф этилаётган товар белгиланган стандарт меъёрлари талабларига жавоб бериши истеъмолчилар ўртасида, қолаверса, ички ва ташқи бозорда мавқени мустаҳкамлайди. Бу борада “Ўзстандарт” агентлигининг жойлардаги худудий, хусусан, Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ҳам муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматлари сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид тегишли қарорларида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан ҳозирда марказ қошида 5 та аккредитацияланган бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари фаолият юритмоқда. Мижозларга янада қулайлик

яратиш мақсадида яқинда кимё маҳсулотларини сертификатлаштириш идораси ташкил этилиб, айни пайтда зарурий бўлган норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланди. Марказ қошидаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идораларига жорий йилнинг 11 ойи давомида сертификатлаштириш миллий тизимида белгиланган тартибга асосан 2089 та мувофиқлик сертификати

берилди. Жумладан, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига 629 та, энгил саноат маҳсулотларига 162 та, машинасозлик маҳсулотларига 31 та ва электротехника маҳсулотларига 1017 та мувофиқлик сертификати тақдим этилди. Узлуксиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш натижасида эса вилоятда жойлашган 136 та корхона ва тадбиркорлик субъектларига 254 та мувофиқлик сертификати берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Сертификатлаштириш тартиботини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби тўғрисида” Низомига асосан марказда мувофиқлик хабарномаларини рўйхатга олиш йўлга қўйилган.

Шунингдек, экспортга етказиб бериш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ихтиёрий равишда сертификатлаштириш ишлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг сертификатлаштириш идоралари томонидан технологик ускуналарга берилган мувофиқлик сертификати тан олиниши ва унинг асосида мувофиқлик сертификатини расмийлаштириб бериш амалиётга татбиқ этилди. Синов лабораторияларини замонавий ўлчаш воситалари, синов жиҳозлари билан таъминлаш ва аккредитация доирасини кенгайтириш режа-дастурига асосан ҳозирга қадар 17 хилдаги ўлчаш воситалари ва синов жиҳозлари харид қилиниб, натижада унинг ишончлиги ва аниқлигини таъминлаш, синов вақтини тежашга эришилди.

Бугунги кунда вилоят корхоналарида халқро стандартлар талабларига мувофиқ бўлган сифат менежменти тизимларини жорий этиш учун зарурий шароитлар яра-

тилган. Вазирлар Маҳкамасининг 349-сонли қарорига мувофиқ сифат тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда корхоналарга кўмаклашиш мақсадида марказ қошида “Сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўлими” ташкил этилиб, 90 га яқин худуддаги корхоналарга халқро стандартлар асосида сифатни бошқариш тизимларини жорий этишда маслаҳат хизматлари кўрсатилиб, сифат тизимлари жорий қилинган ва уларнинг аксариятида тизим муваффақиятли сертификатлаштирилган. Бундан ташқари, худудда 2013-2014 йилларда халқро стандартлар талабларига мувофиқ бўлган сифат менежменти тизимларини жорий этиш ишларини янада кенгайтириш мақсадида вилоят иқтисодиёт, иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо ҳамда савдо-саноат палатаси бошқармаси билан ҳамкорликда сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш имконига эга бўлган 51 та корхона бўйича дастур ишлаб чи-

қилган бўлиб, бу борада доимий мониторинг ўтказилмоқда. Ҳозирда марказ мутахассислари томонидан имзоланган шартномалар ва тасдиқланган календар режалар асосида вилоятда жойлашган 39 та корхона ва ташкилотда сифат менежмент тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича ишлар олиб борилаётир. Шундан 3 та корхонада (“Андижон биокимё заводи” ОАЖ, “Асака ёғ” ОАЖ, “Андижон ёғ-мой” ОАЖ) халқро стандарт ИСО 22000 талаблари бўйича озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти тизимини жорий қилишда маслаҳат хизматлари кўрсатилаётган. Бугунги кунда шулардан 15 та корхонада жорий қилинган сифат менежмент тизими сертификатлаштириш идоралари томонидан муваффақиятли сертификатлаштирилди, ИСО 9001 сертификатини олишга муссабат бўлди.

Андижон вилояти ҳокимлиги ва тегишли мутасаддилар, ишлаб чи-

қариш корхона раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида жойларда мавзуга оид турли тадбирлар, чунони, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятини тушутириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилган, сифат тизимларининг афзалликлари ва қулайликлари ҳусусида кенг тушунчалар берилди. Бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Зеро, мамлакатимиз маҳсулотлари “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамгаси остида дунё бозорларини забт этаётгани барчамизга ғурур бағишлайди.

Равшан МАМАДАЛИЕВ, Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори вазири



«САМАНТЕПГИЛАМ»

қўшма корхонаси

Мустақил юртимиз фуқароларини

кириб келаётган

2014 — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

билан самимий муборакбод этади.



**Янги йил Сизга
бахт-иқбол, хонадон-
ларингизга шоду
хуррамлик, хотиржамлик
ва файз-барака
олиб кирсин!**

**«САМАНТЕПГИЛАМ» —
уйингизга кўркамлик бағишлайди**



Замонавий тизим — тежамкорлик асоси

Иқтисодиёт

Маълумки, мустақилликнинг илк йилларида ноқ халқимизнинг турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини ошириш мақсадида барча соҳалар сингари энергетика тармоғини модернизация қилиш, энергия сарфи ҳажмини камайтириш ва энергия тежайдиган тизимни жорий этишга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Республика аҳлига хизмат кўрсатиш бораборида мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхона ва муассасалари, бутун халқ ҳўжалиги комплексининг тўлақонли фаолият юритишида ва ривожланишида энергетика соҳасининг ўрни бекиёс.

Хусусан, мақсади электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасининг "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонунида ягона электр энергетикаси тизимининг ҳаёсий ва ишончли ишлаб туришини таъминлаш, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш, энергия ҳосил қилувчи қувватлари ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш жараёнига инвестициялар жалб қилиш, электр энергиясидан ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш сингари вазифалар бел-

гилашни мақзур соҳанинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолатдир.

Мамлакатимизда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишда жаҳонда жорий этилган автоматлаштирилган тизимни ишга тушириш бўйича Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб ташаббус кўрсатди.

Чунинчи, сўнгги йилларда четдан инвестицияни жалб этиш ёрдамида истеъмолчиларга узатилаётган электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини модернизация қилиш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Хитой Халқ Республикасининг «Hangzhou Zhongwu electronic meters company limited» компанияси ва «Holley group co. ltd» корпорацияси «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясига тегишли «Toshkent shahar elekt tarmoqlari korxonasi» ОАЖ ва «Ўз-энергоасолаш» УК билан ҳамкорликда ташкил этилган «Электрон

хисоблагич» номли Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ушбу тизимга тегишли ҳисоблагич ва усқуналарни ишлаб чиқариш ҳамда таъминлаш билан шугулланувчи корхоналардан биридир. 2004 йилдан буён энергетика объектлари, ҳўжалик субъектлари ва маиший сектор истеъмолчиларини замонавий электрон ҳисобга олиш усқуналари билан таъминлашга, автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий этишни жадаллаштиришга ҳисса қўшаётган қўшма корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Шу аснода корхона мутахассислари томонидан бир фазали электр ҳисоблагичнинг саккиз тури ва уч фазали ҳисоблагичнинг уч тури ишлаб чиқарилиши кенг йўлга қўйилди. 80 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритаётган корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати бир йилга 600 минг дона бир фазали, 100 мингта уч фазали электр ҳисоблагичини ташкил этади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турини, уларнинг функционали ва фойдаланиш жараёнида ишончлик даражасини ошириш довомида электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат ўрнатиш автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ)ни ташкил этиш ишлари йўлга қўйилган. Бу тизим ёрдамида энергия истеъмолчи бўйича ахборотни қайта ишлаш жараёни — ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва уни ахборот тўплаш марказларига узатиш имконияти мавжуд бўлди.

Республикаимизда сўнгги йилларда барча иссиқлик электр станцияларида замонавий, кўп функцияли, хусусан, сарфланажак электр энергияси учун олдиндан амалга оширилган тўловни ҳам ҳисобга олиш имкониятига эга электрон ҳисоблагичлари ўрнатилиши бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай усқуналарнинг таъбиқ этилиши истеъмолчиларнинг дебиторлик қарзи йиғилиб қолмаслигини таъминлайди.

— Ўзбекистон Республикасининг "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонунда "электр энергияси" мақоми илк бор бир пайнинг ўзида ҳам ишлаб чиқариладиган, ҳам истеъмол қилинадиган алоҳида товар сифатида белгиланди, — дейди корхона Бош директори Хуан Чжиен. — Бозор шароитида электр энергияси сарфини ишончли ва тезкор ҳисобга олиш энергетика корхоналари учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам дол-

зарб вазифага айланмоқда. Мавжуд ҳисобга олиш тизимлари модернизация қилиниб, маълумотларни масофадан туриб олиш имконияти яратилган, кўп сонли назоратчилар ишига ҳўжат қолмайди. Автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимининг асосий афзаллиги шундаки, уни қўллаш энергия йўқотишларни камайтириш ва унинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш тизимини такомиллаштириш имконини беради.

Шу боис "Электрон ҳисоблагич" қўшма корхонасида электр ҳисоблагичлардан ташқари юқоридики келтирилган автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқариш ҳамда кенг жорий этиш бўйича чора-тадбирлар йўлга қўйилган. Таҳлиллар



шун кўрсатмоқдаки, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат ўрнатиш автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) ишга туширилган объектларда истеъмолдаги энергияни ҳисоблаш даражаси ўртача 25-30 фоизга, истеъмол қилинган электр энергияси учун келиб тушадиган тўловнинг миқдори 40-60 фоизга ортган, бундай объектларнинг дебиторлик қарзи эса буткул йўқолди. ЭХНАТ тизими энергия узатувчи билан истеъмолчи ўртасидаги масофа ҳамда харажатни қисқартиради. Корхона мутахассислари ёрдамида Чирчиқ ва Тошкент ГЭСлар каскадида ушбу дастурий-техник комплекслар маҳаллий режимида ишламоқда ва ҳисобга олиш амниқлиги ҳамда ишончилиги ортмоқда.

Ишга тушган автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими кўп функцияли электрон ҳисоблагичларга асосланган. Бундай усқуна корпусяга истеъмол қилинган электр энергияни ҳисобга олиш билан бирга, ушбу ахборотни энергия таъминоти ташкилотининг дастурий-техник комплексига узатадиган ҳисобга олиш усқуналари энергетика корхоналари, янги қурилаётган санаят объектлари ва фуқаролар хонадонларига ўрнатилади.

Электр тармоғи ҳодимлари истеъмол қилинган ва ҳақи тўланган электр энергиясини масофадан туриб назорат қиладиган дастурий-техник комплекс Ангрен шаҳридаги турар-жой даҳаларининг биридаги 1300 нафар маиший истеъмолчини қамраб олди. Ушбу тизим Тошкент-500 станцияси атрофида, Тошкент шаҳри-

нинг айрим мавзеларида, шунингдек, республикаимизнинг бошқа вилоят марказларида юридик ташкилотларда ўрнатилган. Қодирия, Қўйи-Бўзсув ва Фарҳод ГЭСлари каскадида ушбу тизимни жорий этиш ишлари поенига етди. Тажриба тариқасида Қўқон шаҳридаги барча жисмоний шахс ва юридик ташкилотларида замонавий ва модернизациялаштирилган электрон ҳисоблагич ҳамда ЭХНАТ тизимини ўрнатиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

"Электрон ҳисоблагич" қўшма корхонасида ISO:9001 сифат менежменти жорий этилган бўлиб, 2010 йилда тегишли сертификатга эга бўлибди.

Маълумки, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхона учун ўрнатилган тартибда солиқ имтиёзлари таъбиқ этилган. Табиийки, бу имтиёз корхоналар ихтиёридаги соф фойдаланиш кўпайишига хизмат қилади. Бундай имконият мақзур корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва материаллар сотиб олишга мақсадли сарфлаш имконини бермоқда.

"Электрон ҳисоблагич" қўшма корхонаси ҳам белгиланган имтиёзлардан самарали фойдаланилиши натижасида ҳисоблагич ишлаб чиқариш ва жамлаш учун зарур усқуналар келтирилди ва истисқобли лойиҳани амалга ошириб келаятган ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, VII Халқаро яр-

марка ва кооперацион биржаларда иштирок этган қўшма корхона "Ўзбекэнерго" ДАК тасарруфидagi ташкилотлар билан 30 миллиард сўмга яқин миқдоридagi шартномага имзо чекди.

Корхона томонидан амалга оширилган маиший истеъмолчиларда автоматлаштирилган ҳисобга олиш жорий этиш бўйича тажриба лойиҳалари ўз самарадорлигини исботлади. Бу борадаги илк лойиҳа 2005 йилда Тошкент шаҳрида жорий этилган ва 430 та ҳисобга олиш пунктини қамраб олган эди. Кейинчалик пойтахтимиздаги даҳаларнинг бирида 4 мингдан ортиқ нуқтани ўз ичига олган электр энергиясини автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими ташкил этилди. Айни пайтда пойтахтимизда электр билан таъминлайдиган корхоналар компьютерлар ёрдамида назорат қиладиган маиший истеъмолчилар фойдаланаятган электр энергиясини ҳисобга олиш бўйича 60 мингдан ортиқ пункт фаолият кўрсатмоқда.

Муҳтасар айтганда, энергия — сақлаб қўйиладиган, жамғариладиган товар эмас. Электр энергиясини автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимларини жорий этиш ҳисоблагичларнинг амниқлиги, сезувчанлигини ошириши, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ва ҳақ тўламадан истеъмол қилишнинг олдини олиш билан юқори самара беришини кўрсатмоқда.

Солят ЖАББОРОВА



Аҳоли фаровонлиги йўлида

Молия муассасаларида

Нихоялаб бораётган 2013 йилда эришилган натижа ва марраларни таҳлил қилар эканмиз, мамлакатимиз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш учун жорий йилда 970 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизи кишлоқ ҳудудларида ташкил этилган, энг муҳими, 500 мингдан зиёд йигит-қизларнинг ишга жойлаштирилгани элимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган сая-ҳаракатларнинг самараси дейиш мумкин.



Албатта, мақзур ютуқларда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки жамоасининг ҳам ўзига ҳос ҳиссаси борлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу банк мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этиб келаяптир. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 490 млрд. сўм миқдоридики кредит ажратилган. Хусусан, кўрсатилган имтиёзли микролоявий хизматлар миқдори 234 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу кредитлар ҳисобига юз мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Молия муассасаси томонидан оилавий тадбиркорлик, аёллар ва касб-хунар коллежалари битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинапти. Ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар жойларда, айниқса, кишлоқ жойларда тадбиркорларнинг бош-

ланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаятганлиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга молик. Навоий шаҳри, Гулистон маҳалласидаги «Dovudbek sito» оилавий корхонасида 15-20 турдаги болалар ва катталар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқариламоқда. — Корхонаимизда «Микрокредитбанк» ОАТБ Навоий вилояти филиалидан олинган 7 млн. 900 минг сўм имтиёзли кредит эвазига замонавий тикши дастгоҳлари олиб келиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Мухаррам Якубова. — Ушбу замонавий дастгоҳлар ёрдамида бир кунда бурюрта асосида 50-60 та трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Келгусида хориждан янги технология келтириб, корхона қувватини янада оширишни режалаштирганмиз. Дарҳақиқат, бир кишининг хайрли тадбири билан бир неча оиланинг рўзгорига бора-рака кириши мумкин. Бугун қўллаб тадбиркорлар Мухаррам опа сингари банк кўмагида оиласи фаровонлигини юксалтириб, одамларга фойдаси тегайтир.

Хусусан, банк томонидан аёллар тадбиркорлигига ўтган 9 ой давомида 44 млрд. сўмлик кредит ажратилган. Бунинг натижасида 16,7 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. — Корхонаимизда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ташкил этидик, — дейди «Музработ иссиқ нон» хусусий корхонаси раҳбари Мастона Бобоева. — Бунда «Микрокредитбанк»нинг Музработ тумани филиали томонидан ажратилган 39 миллион сўм имтиёзли кредит қўл келди. Ушбу маблағ эвазига дастлаб цех биносини мукамал таъмирдан чиқардик, сўнгга усқуналар олиб келиб ўрнатдик. Бугунги кунда бу ерда қандолат маҳсулотларидан ташқари 2 та нон пишириш ва 1 та хамир қориш усқунаси ёрдамида бир кеча-кундузда 1500 донагача қолипчи нон ҳам тайёрланапти.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан жамиятнинг асосий бўғини булган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларда «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг ҳам муносиб улуши бор. Банк томонидан тақлиф этилаётган хизматлар ёш оилаларнинг даромадларини янада кўпайтиришга қўлай имконият яратиб берапти. Банк сармоялари қўллаб кичик бизнес вакиллари, хусусан, оилавий тадбиркорларга ўз фаолиятини ривожлантиришда қўл келаяптир. 2013 йилнинг ўтган ойлари давомида банк томонидан ажратилган кредитларнинг 37,9 млрд. сўми 6 мингдан ортиқ ёш оилани молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ажратилган имтиёзли кредитлар ҳиссасига тўғри келаятгани фикримиз далилидир. Бундан ташқари, банк томонидан коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 23,9 млрд. сўм миқдоридики имтиёзли микрокредитлар йўналтирилгани ҳам эътиборга молик. Хулоса шунки, бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қудратли яратувчи кучга айлиниб улгурди. Эеро, соҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор замирида ишлаб чиқаришда барқарорликка эришиш, оилаларимиз турмуш фаровонлигини таъминлашда эзгу мақсад муҳимасан. Бу йўлда «Микрокредитбанк» ўзининг микросармоялари билан эртанги кунга ишончи бандан тадбиркорларимиз учун доимий даромад манбалари яратишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Фаррух АБДУСАМАТОВ

Advertisement for O'ZVINOANOAT HOLDING featuring a Christmas tree and promotional text: «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси жамоаси кўп миалатан, бағрикенг Ўзбекистон халқини Янги — 2014 йил билан чин дилдан муборакбод этади! Янги йил ҳаммага бахт, омад, битмас-туганмас қувонч олиб келсин! Хонадонларингиздан қут-барака аримасин. Элимиз дастурхони тўкин, ризқи ҳамиша бутун бўлсин!

Э Термиз шаҳридаги «Сурхон наشريёт-матбаа» масъулияти чекланган жамияти номи масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Сурхон наشريёт-матбаа» ижодий маркази бўлиб ўзгармоқда. Давво ва эътирозлар Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 30-уйда қабул қилинади.

Advertisement for Adolat newspaper: ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета. Маъсисси: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши «Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилди. Бўш муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдулвали САЙБНАЗАРОВ. Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамлазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Мухаммад АЛИ, Таътай МУРОДОВ, Тошўшлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.